



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

3 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 3, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. МАХМУДОВ Фируз Бахтиёр ўғли**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАВЛАТ
ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ЎРНАТИЛГАН ТАҚИҚ ВА
ЧЕКЛОВ МАСАЛАЛАРИ.....8
- 2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич**
ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ТАРИХИ ВА
РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....18

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

- 3. ИСМАИЛОВ Баходир Исламович, Маманов Сардоржон Собир ўғли**
ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМ КОМПЛЕКСНОГО КОНТРОЛЯ КАК
ЭФФЕКТИВНОГО ИНСТРУМЕНТА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ
В ЧАСТНОМ СЕКТОРЕ.....30
- 4. АБДУЛЛАЕВ Хуршидjon Назрулло ўғли**
АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ.....37
- 5. JAMOLOV Azizjon**
TERM OF SUBJECTS OF INVESTMENT ACTIVITY: THEORETICAL AND
COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS.....44
- 6. EGAMOVA Dilrabo Talibovna**
KREDIT TALABLARI BO'YICHA INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA
NISBATAN UNDIRUVNI QARATISH MASALALARI.....49
- 7. АҲРОРҚУЛОВ Анвар**
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУЛКИЙ
АСОСЛАРИ.....56
- 8. АЛМОСОВА Шаҳноза**
ТРИПС БИТИМИ НОРМАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ
МУАММОЛАРИ.....63

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 9. ОТАХОНОВ Фозилжон Хайдарович**
НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА.....72

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 10. КАРАКЕТОВА Дилноза Юлдашевна**
ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ СИФАТИДА ЁШ БОЛА, ҚАРИЯ, НОГИРОН
ЁКИ ОЖИЗ АҲВОЛДАГИ ШАХСЛАРНИ ХЎРЛАБ СОДИР ЭТИЛГАН
БЕЗОРИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....80
- 11. ХЎЖАҚУЛОВ Сиёвуш Бахтиёрвич**

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ.....88

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

12.МАТЧАНОВ Алимжан Атабаевич

УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДОКАЗЫВАНИЯ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИ.....96

13.ЮГАЙ Людмила Юрьевна

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СУДЕБНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....104

14.ЗУЛФУҚОРОВ Абдувахоб Абдумалик ўғли

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ БЎЙИЧА ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....112

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

15.СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович

ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ИШНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ҲУҚУҚИ.....118

16.ГАФФАРОВА Шахноза Нуритдиновна

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....126

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17.АЛИМОВ Гайбулла Алимович

ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ: АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ.....134

18.ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

"ОДИН ПОЯС, ОДИН ПУТЬ" КАК СРЕДСТВО КУЛЬТУРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ, ИНСТРУМЕНТ УКРЕПЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ НАУЧНЫХ СВЯЗЕЙ ИИ КАТАЛИЗАТОР РАЗВИТИЯ НАУКИ В ЭПОХУ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....141

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АБДУЛЛАЕВ Хуршиджон Назрулло ўғли
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси
E-mail: abdullaev_xurshidjon@mail.ru

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АБДУЛЛАЕВ Х.Н. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ// Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.37-43.

 №3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган йилларда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси ўрганилган ва аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилаётган соҳада қатор муаммолар ва камчиликлар таҳлил этилган. Шу муносабат билан аудиторлик фаолиятини олиб бориш ҳамда аудиторлик ташкилиотини ташкил қилиш билан боғлиқ нормаларга жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда тегишли ҳулосалар берилган.

Калит сўзлар: аудитор, аудиторлик фаолияти, аудиторлик ташкилоти, тадбиркорлик субъектлари, аудиторлик хизматлари, аудиторнинг малака сертификати, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш.

АБДУЛЛАЕВ Хуршиджон Назрулло угли,
Преподаватель Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: abdullaev_xurshidjon@mail.ru

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ АУДИТОРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье изучена и проанализирована нормативно-правовая и методическая база аудита за прошедшие годы, после достижения нашей страной независимости, а также ряд проблем и недостатков в этой сфере препятствующие дальнейшему развитию аудиторской деятельности, повышению значимости аудиторских услуг

для принятия управленческих решений и повышения качества корпоративного управления и требующих интеграции существующих организационно-правовых норм международных стандартов аудиторской деятельности, исходя из современных требований. Изучив мировой опыт, даны соответствующие заключения по совершенствованию норм, связанных с проведением и организацией аудиторской деятельности.

Ключевые слова: аудитор, аудиторская деятельность, аудиторская организация, предпринимательские субъекты, аудиторские услуги, квалификационный аттестат аудитора, лицензирование аудиторской деятельности.

ABDULLAEV Khurshid

Lecturer at Tashkent State Law University

E-mail: abdullaev_xurshidjon@mail.ru

ORGANIZATIONAL LEGAL BASES OF AUDITING

ANNOTATION

The article considers and analyzes the legal and methodological basis of audit in the years our country gained independence and a number of problems and deficiencies in this area hindering the further development of auditing activities, the enhancement of auditing services for management decision-making and improve the quality of corporate governance and requires the integration of existing legal rules to the international standards of audit taking into account modern requirements. In this regard, having studied the world experience, the relevant conclusions are made about the standards related to the conduct of audit activities and the organization of audit activities.

Keywords: auditor, audit activity, audit organization, entrepreneurial entities, audit services, auditor qualification certificate, licensing of audit activity.

Аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар жуда хилма-хил ва ўз юридик кучи, таъсир доираси билан ажралиб туради. Ўзиборли жиҳати шундаки, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг юзага келди. Бунга бозор муносабатларининг шаклланиши ва аудиторлик фаолиятининг вужудга келганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кунда илмий адабиётларда аудиторлик фаолиятига оид турли таърифлар ва ёндашувлар мавжуд. Асосан иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлари ўз нуқтаи назарларидан таърифлар берганлар. Уларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида аудиторлик фаолиятига ҳуқуқий жиҳатдан ёндашган ҳолда таъриф бериш мумкин.

Ҳуқуқшунос соҳа вакиллари аудитни тадбиркорлик фаолияти ва хизмат кўрсатиш соҳаси эканлиги ҳамда аудит ва аудиторлик фаолияти тушунчаси айти маънодошлигини таъкидлайдилар [1]. Масалан, проф. Ш.Н. Рўзиназаров таҳрири остидаги дарсликда аудит бу молиявий ва бухгалтерлик ҳисоботини мустақил равишда тафтиш қиладиган тадбиркорлик фаолият тури бўлиб, аудит орқали корхона, ташкилот ва тадбиркор фуқаролар ўзларининг молиявий фаолиятларининг ҳисоботини қонунга мувофиқ юритиш имкониятига эга бўладилар, деб таъриф берилади [2].

З.Т. Маматовнинг таъкидлашича, аудит молиявий назоратнинг бир туридир аммо унинг вазифаси фақат молиявий назорат ҳисобланмайди. Молиявий назорат вазифаларини давлат ҳизматининг бошқа органлари ҳам бажаради [3].

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий томондан "аудит" ва "аудиторлик фаолияти"

тушунчалари бир биридан айро тушунча ва шу билан бирга бир-бирин қамраб олади. Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Мазкур модданинг иккинчи қисмида баён қилинишича, аудиторлик хизматлари аудиторлик текширувларини ва ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматларни ўз ичига олади [4].

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти давлат томонидан аудиторларнинг профессионал бирлашмалари иштирокида қонунлар ва қонун ости актлари қабул қилиш йўли билан барча аудиторлик фаолияти иштирокчилари ва уларнинг ўзаро муносабатларини қамраб олган ҳолда мувофиқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси учун хос хусусият бу унинг аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини кечиктирмасдан, босқичма-босқич, изчиллик билан такомиллаштириб борди. Миллий қонунчилигимизда хизмат кўрсатишнинг бошқа турларига оид қонунчиликни таҳлил этадиган бўлсак, мисол учун, 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ветеринария тўғрисида"ги, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисида"ги, 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг реклама тўғрисида"ги, 1999 йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисида"ги, 2000 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг почта алоқаси тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа шунга ўхшаш соҳалар аудиторлик фаолиятига оид қонун қабул қилинганидан анча кечроқ қонунчилик базаси шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Бу борадаги дастлабки норма миз 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги [5] Қонун 18 та моддадан иборат эди ва ўз мазмуни билан аудит, аудитор, аудиторлик фирмаси, хўжалик юритаётган субъект, аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, аудиторлик фаолиятига лицензия бериш, аудиторнинг ҳуқуқ ва вазифалари, аудиторларни тайинлаш ҳамда чақириб олиш, аудититорнинг жавобгарлиги, аудиторлар палатаси, эълон қилинадиган молиявий ҳисобот ҳужжатлари каби қоидаларни қамраб олган эди. Ушбу қонунда "аудиторлик ташкилоти" ўрнига "аудиторлик фирмаси" деган тушунча берилган эди. Мазкур қонунда "аудит" тушунчасига таъриф берилган бўлиб, аудит молия ҳужжатларининг экспертизаси ва таҳлилидир, дейилган. Аудиторлик профессионал хизматларига оид норма мавжуд эмас эди. Фақатгина миждоз билан консалтинг шартнома асосида миждозга хизмат кўрсатиши мумкин, деган қоида бор эди. Хуллас, бу қонун илк маротаба қабул қилинганлиги ва аудит хизматининг республикада дастлабки қадамлари бўлганлиги боис ушбу ҳужжат ўша давр талаби доираси ва даражасида ҳаракат қилган. Аммо бу қонун Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматига оид ҳуқуқий муносабатларни шаклланишига замин яратиб берди.

Кейинчалик, бир қатор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, жумладан, "Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги 293-сонли 1993 йил 17 июндаги қарори, 1993 йил 3 майдаги "Аудиторлар палатаси тўғрисида"ги вақтинчалик Низом, "Аудитор (аудиторлик фирмаси) тўғрисида"ги вақтинчалик Низомлар қабул қилиниб, аудиторлик фаолияти қамрови кенгайгач, бу ҳуқуқий асослар доираси ҳам кенгайиб борди. 1996 йил 30 августда қабул қилинган "Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида"ги Қонун бухгалтерлик ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

2000 йил 26 майда "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда

[6] қабул килинди. Ушбу янги таҳрирдаги қонун 29 та моддадан иборат бўлиб, унда "аудит" "аудиторлик фаолияти" тушунчаси билан алмаштирилди. Аудитор, аудиторлик ташкилоти ва аудитор ёрдамчисига алоҳида ҳуқуқий мақом берилди, аудиторлик текшируви турлари белгиланди, аудиторлик фаолиятини лицензиялашга оид бир қатор янги нормалар кўшилди. Илгариги қонунда аудиторлар палатасига оид нормалар ўрнига ушбу қонунда аудиторларнинг жамоат бирлашмаларга бирлашиш ҳақидаги норма киритилди. Бир сўз билан айтганда, бу янги таҳрирдаги қонун аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан янада кенгайтди, аудитор ва мижоз манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, аудитор кўрсатадиган профессионал хизматлар алоҳида 17-моддада белгилаб берилди [7].

Аудиторлик фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш тизими нафақат "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун билан, балки аудитор қандайдир даражада тегишли бўлган бошқа қонунлар, масалан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Хусусий корхоналар тўғрисида"ги каби қонунлар, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс каби меъёрлар билан тартибга солинади.

Ундан ташқари, аудитни мувофиқлаштирувчи меъёрий актлар сирасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатилган хизматлар сифати учун масъулиятини ошириш тўғрисида"ги ва "Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини оширишга доир кўшимча чоралар тўғрисида"ги қарорлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аудиторлик ташкилотлари фаолиятини лицензиялашга доир қарори билан бу йўналишда махсус аудиторлик фаолиятини давлат томонидан лицензиялаш ваколати Молия вазирлиги ваколатига берилган.

Бевосита аудиторлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритар эканмиз энг аввало аудиторлик фаолияти тушунчасига қонунда қандай таъриф берилганига тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ. 2000 йил 26 майдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига биноан аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Кўриб турганингиздек аудиторлик фаолияти бу -тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади ва шу билан бирга аудиторлик фаолияти аудиторлик ташкилотлари томонидан олиб борилади. Аудиторлик ташкилотлари эса юқорида номи келтириб ўтилган қонуннинг 5-моддасида баён қилинганидек исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда фақатгина юридик шахс сифатида ташкил қилиниши мумкин. Лекин бир нечта истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, аудиторлик ташкилотлари акциядорлик жамияти сифатида ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўла олмайдилар [8].

Бундан ташқари аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини қуйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиториға тегишли бўлиши керак (аудиторлик ташкилоти - чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки

шўъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно). Аудитор фақат ўзи ишлайдиган битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин;

аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак;

аудиторлик ташкилотига фақат мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи бўлган аудитор раҳбар бўлиши керак;

аудитор ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши керак.

Шунингдек, аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолятини олиб боришлари учун албатта лицензияга ҳам эга бўлишлари зарур. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 мартдаги 218-сон қарори билан тасдиқланган "Аудиторлик фаолятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-банди тўхталиб ўтилган [9]. Мазкур низом ўз номи билан аудиторлик фаолятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Кўриб турганингиздек бугунги кунда аудиторлик фаолятини олиб борувчи аудиторлик ташкилотини тузиш жудда мураккаб жараён ҳисобланади. Бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш учун аудиторлик фаоляти билан шуғулланиш учун босиб ўтилиши лозим бўлган қуйидаги босқичларни кўриб чиқсак:

Биринчи босқич - талабгор яъни аудитор бўлмоқчи бўлган жисмоний шахс энг аввало Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сон буйруғи билан тасдиқланган "Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида"ги [10] Низомда белгиланган талабларга жавоб бериши зарур. Хусусан:

олий маълумотга, олий таълим муассасини битирганидан сўнг охириги ўн йил ичида камида уч йиллик аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида ёхуд шу соҳаларда олий таълим муассасаларида дарс бериш бўйича амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши;

"бухгалтерия ҳисоби" ва "аудит" мутахассисликлари бўйича магистр дипломига ва аудиторлик ташкилотида бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши;

фаннинг иқтисодий тармоқлари соҳасида илмий даражага эга бўлиши.

Иккинчи босқич - белгиланган талабга жавоб берган талабгор юқорида номи келтириб ўтилган низомга мувофиқ малака имтиҳонидан ўтиши зарур. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган талабгарга эса аудиторнинг малака сертификати берилади ва шундан сўнг у аудитор ҳисобланади. Лекин шунда ҳам у аудиторлик фаоляти билан шуғуллана олмайди.

Учинчи босқич - аудиторлик малака сертификатига эга бўлган шахс мавжуд аудиторлик ташкилотига ишга кириши ёки яна ўзига ўхшаш аудиторлик малака сертификатига эга бўлган уч нафар аудитор топиб аудиторлик ташкилоти тузиши зарур. Аудиторлик ташкилоти тузишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва уларнинг шартлари юқорида айтиб ўтилди.

Тўртинчи босқич - аудиторлик ташкилоти ташкил қилингандан сўнг, албатта, ташкилот лицензияга ҳам эга бўлиш керак. Акс ҳолда ташкилот қонунан аудиторлик ташкилот ҳисобланмайди ва аудиторлик фаоляти билан шуғуллана олмайди. Лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Бешинчи, сўнги босқич эса - аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мана шу мураккаб босқичлар аудиторлик фаолятини янада ривожланишига озми кўпми ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қалмайди. Шунга ўхшаш бошқа

жиҳатларни ҳам инобатга олган ҳолда, мазкур соҳана янада ривожлантириш ва мажуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 19 сентябрь куни "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари" ПҚ-3946-сонли қарори қабул қилинди [11]. Мазкур қарорга асосан юқрида айтиб ўтилган лицензиялаш тартиб таомиллари босқичма-босқич бекор қилиниши аниқроғи бухгалтерлар ва аудиторлар жамоат бирлашмаларини Молия вазирлигида аккредитациядан ўтказиш тартибини жорий этиш ва аудиторлик фаолиятини лицензиялашни бекор қилган ҳолда аудиторлик ташкилотларининг аккредитациядан ўтган жамоат бирлашмаларига мажбурий аъзолигини белгилаш бўйича таклифлар киритиш ва буни амалиётга тадбиқ қилиш вазифалари назарда тутилган. Бундан ташқари мазкур Қарорда аудиторлик фаолиятига оид кўплаб ўзгаришлар назарда тутилган. Уларга кейинчалик яна батафсил тўхталиб ўтамыз.

Биз ҳам мазкур таклифга қўшилган ҳолда аудиторлик ташкилотларини лицензиялаш ортиқча қоғозбозлик деб ҳисоблаймиз. Сабаби, аудитор деган мақомга эга бўлиш учун ҳам жуда оғир йўл босиб ўтилади ва аудиторлик фаолиятини олиб бориш учун аудитор малака сертификатига эга бўлишнинг ўзи кифоя фикримизча. Бундан ташқари, аудиторлирга якка тартибда маълум бир чекловлар асосида аудиторлик фаолиятини олиб боришлари учун аудиторлик ташкилотларини якка тартибдаги тадбиркор сифатида ташкил қилиш ҳуқуқини бериш мумкин (Россия Федерацияси тажрибаси). Бу ҳолатда аудиторлик ташкилоти фақатгина юридик шахс сифатида эмас, балки, жисмоний шахс сифатида ҳам ташкил қилиш имкони бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Булгакова Л. И. Правовые вопросы организации и осуществления аудиторской деятельности в Российской Федерации Автореф дис... канд. Юрид. наук -М.: 2008 -30 с Синельникова Н А. Государственноерегулирование аудиторской деятельности: Дис.... канд. юрид. наук-Саратов: 2004.-152 с. Чумаков А.А. Гражданско- правовое регулирование договора на оказание аудиторских услуг Дис... канд. юрид. наук -М 2005 -172 с., Чирков А А Гражданско-правовое регулирование деятельности исполнителя (аудитора) по договору об оказании аудиторских услун Дис. канд. юрид наук -Белгород: 2006 -159 с (Bulgakov. Legal issues of organization and implementation of audit activities in the Russian Federation. Abstract dissertation, candidate of Legal Sciences-Moscow: 2008 -30 page, Sinelnikova N. A. State regulation of audit activity: Dissertation of the candidate of legal Sciences-Saratov: 2004. -152 p. Chumakov A. A. Civil law regulation of the contract for the provision of audit services Dissertation candidate of law - Moscow 2005 -172 p., Chirkov A Civil law regulation of the performer (auditor) under the contract for the provision of audit services dissertation candidate of law-Belgorod: 2006 -159 p.)

2. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик ҳуқуқи.-Тошкент "Консаудитин-форм",2002.-250б. (Ro'zinazarov SH. Business law.-Tashkent:2002-250p.)

3. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари. Дис. Иқтисод фанлари доктори.-Тошкент:2005. -69б (Mamatov Z. T. Issues of improving the audit of financial statements of economic entities. Dissertation of the Candidate of economic Sciences, - Tashkent: 2005. - 69 p)

4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Янги таҳрирлаги Қонуни - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 2-модда (New editorial Law of

the Republic of Uzbekistan" "On audit activity " dated may 26, 2000-statements of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2000, 5-6-part, article 2)

5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун - Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №7 - Тошкент: Адолат, 1993. - Б 42 (The law of the Republic of Uzbekistan of December 9, 1992 "on auditing " - new laws of Uzbekistan. №. 7-Tashkent: Adolat, 1993. - 42 p)

6. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Янги таҳрирлаган Қонуни - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда (New editorial Law of the Republic of Uzbekistan "on audit activity" dated may 26, 2000-Gazette of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2000, 5-6-part, article 149)

7. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Янги таҳрирлаган Қонуни - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 17-модда (New editorial Law of the Republic of Uzbekistan "on audit activity" dated may 26, 2000-Gazette of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2000, 5-6-part, article 17)

8. Х.Х.Сайдвалиева. Аудиторлик фаолиятини шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш. // Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор Р.Ж.Рузиев. - Тошкент: "YANGI NASHR", 2012.-176 б. (H. H. Saidvaliev. Achievement of the audit's contractual and legal goal. // Editor-in-chief: doctor of law, Professor R. J. Ruziev. - Tashkent: "YANGI NASHR", 2012. -176 p.)

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 мартдаги 218-сон қарори билан тасдиқланган "Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низом- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2019 й., 09/19/218/3766-сон (The national information base of legislation "on the procedure for licensing audit activities" was approved by the resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated March 13, 2019 №. 218 14.03.2019., 09/19/218/3766-issue)

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сон буйруғи билан тасдиқланган "Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида"ги Низом - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.12.2018 й (Regulation "on the procedure for issuing the auditor's qualification certificate", approved by order of the Minister of Finance of the Republic of Uzbekistan dated November 14, 2018 №. 144-national database of legislation, 22.12.2018)

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3946-сонли - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.09.2018 й., 07/18/3946/1955-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 19, 2018 №. PP-3946 "on measures for further development of audit activities in the Republic of Uzbekistan" - national database of legislation, 20.09.2018, 07/18/3946/1955-part)